

Устозлар куни муборак бўлсин!



09:30 / 01.10.2023 748

Муовия ибн Ҳакам ас-Суламий розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Ота-онам У Зотга фидо бўлсин! У Зотдан олдин ҳам, кейин ҳам У Зотдан яхшироқ муаллимни кўрмадим. Аллоҳга қасамки, У Зот мени жеркимаганлар ҳам, урмаганлар ҳам ва сўкмаганлар ҳам!»

Имом Муслим ривояти.

1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларни чин дилдан самимий муборакбод этамиз!

Азиз устозлар, илм йўлидаги шижоатингиз, метин иродангиз, тоғдек сабрингиз, билим уммонидаги сабоғингиз доимо сарбаланд бўлсин! Сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, тинчлик ва фаровон ҳаёт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

***Islom.uz* портали ва «Hilol Nashr» нашриёт-матбааси жамоаси**